

## СУЛАЙМОНҚУЛ ЮНУС ЎҒЛИ ВА ЧЎЛПОН

Дилдорахон АБДУЛЛАЕВА

*филология фанлари номзоди, доцент,*

*Андижон давлат университети*

*dildora.abd@mail.ru*

Ситора МАЛИКОВА

*талаба*

*Андижон давлат университети*

Адабиёшуносликда Сулаймонкул Волаи Расво ҳақида, унинг шеърий иқтидори, оиласида ўзига хос адабий муҳит шаклланганлиги олимлар томонидан эътироф этилган. Асли исми Сулаймон Мулла Муҳаммадюнус ўғли (1874–1929) бўлган андижонлик қаламкаш шоир жаҳид арбоб Чўлпоннинг отасидир. Унинг касби баззоз (ҳозирги тушунчамиздаги мато билан савдо қилувчи) бўлиб, дўкандорлик, савдогарлик билан шуғулланган. Баззозлик асосий машғулоти бўлса-да, Сулаймонқулнинг адабиётга ҳаваси баланд бўлган. Ўзи шеър машқ қилган, адабий таҳаллус сифатида Волаи Расво номи билан асарлар ёзган.

“Отаси Сулаймон Мулла Муҳаммадюнус ўғли баззоз эди. Баззоз – газламафуруш дегани. Тахмин қилиш мумкинки, оила ўзига тўқ бўлган. Маълумотларга қараганда, Сулаймон баззоз замонасининг кўзи очик зиёлиларидан бўлиб, “Расво” таҳаллуси билан шеърлар ёзган, ҳатто девон тартиб қилган. Ўғли Чўлпон билан шеърий ёзишмалари бўлганини нақл қиладилар. Хонадонда замоннинг олиму фозиллари тез-тез бўлиб турганлар” (2, 428).

Чўлпоннинг жияни Ўктам Мирзахўжаев тоғасининг исми асли “Тешабой” бўлганлигини таъкидлаб, унинг туғилиш воқеасини баён қилган. “Онамнинг бу сўзларини исботлаш учун бобом Сулаймон Расвонинг бир оилавий ҳангома шеърларидан айрим мисралар келтирмоқчиман:

*Келди ўтган жума Теша Тошкентдан Андижон,*

*Лек турғайму бу ерда икки-уч ой, бегумон.*

*Теша ҳам биз бирла турғай лоақал бир ойгача,*

*Фозилани кўнглини шод этмага аҳд айлагон.*

*Бўлмасин асло хафа Фозилахоним Ўшда,*

*“Кўрмадим Теша акамни”, – деб кўнгишлар позимон” (2, 158).*

Волаи Расво ва Чўлпон ҳақида Фойиқа ая куйидагиларни айтади: “Рост, отам (Сулаймонқул баззоз – Д. А., С. А.) ўзининг ягона ўғлини эркалатиб қўймади. Уни ўқимишли, балки мударрис қилиш мақсадида бир турк домласига беради. Биз у кишини (айтишларича жуда талабчан бўлган) “турк афанди” деб билар эдик” (1, 158).

Кўринадики, Сулаймонқул баззоз оилада талабчан ва ғамхўр ота бўлган. Ў. Мирзахўжаевнинг эсдаликларидаги куйидаги ўринлар ҳам аҳамиятли:

“Онамнинг акаси Чўлпон тўғрисидаги ҳикояларини эшитиб, ўйга толаман; у кишининг чин инсон бўлиб камол топишида туғилиб ўсган оилавий муҳитни, қолаверса, отаси Сулаймон Расвонинг хизматлари катта бўлган бўлса керак, деб сўрайман. Бунга жавобан онам: “Ҳа, албатта. Чунки, менинг билишимча, отам ўз даврининг ўқимишли, билимдон одами ҳисобланган, “Расво” тахаллусида жуда кўп шеърлар ёзиб қолдирган. Отамнинг шеърлар девони, ўзинг биласан, менда сақланиб қолган” (1, 158).

*Фойиқа ая келтирган газал қуйидагича:*

*Маломат, маҳлакига ташлабон кетмоқ шиорингдур,  
Кўтармай бошини ердин нигун сардил фиқорингдур.  
...Ниҳоят ихтиёримни инониб сенга топширдим,  
Бу Расво Волага лутф ила боқсам ихтиёрингдур.*

Инсон яралибдики, унинг қалби доимо гўзалликка, нафосатга ташна ҳолда яшайди. Гўзаллик ва нафосатни, ҳақиқат ва ёлғонни, поклик ва нопокликни эса ижодкор аҳли теранроқ англайди. Балки, шу боис ҳам инсон қалбига таскин-тасалли берувчи санъатлардан бири шеърятдир.

Сулаймонқул Волаи Расвонинг қизи Фойиқа ая таъкидлаганидек, унинг отаси “бадииятнинг сир-асрорларини яхши тушунган, чуқур анлаган”. Фойиқа ая жияни билан суҳбатда, “сўнгги пайтларда Чўлпонга бағишланган айрим тадқиқотларда отам билан акамни (ота-болани) бир-бирларига қарама-қарши қилиб кўйишга интилишлар сезилаётгани, Н. Каримовнинг “Чўлпон” китобчасида “шоир отасининг “нодонлиги” туфайли уйини тарк этган, отаси эса ўғлини гапига кирмаганлиги учун “оқ” “қилган, уйдан ҳайдаб юборган”, – деган фикр баён этилганлигини айтади. Аслида эса отаси Чўлпонни “оқ” қилиб уйдан ҳайдамаган. Чўлпон ҳам ўз отасини “нодон” деб билмаган. Ўз ўғлининг диний ва дунёвий илмларни чуқур эгаллашини, мударрис ёки мулло бўлиб етишишини хоҳлаган, доимо ўз ёнида бўлишини орзу қилган.

Сулаймонқул базознинг набираси ота-бола муносабатларини қуйидагича шарҳлайди: “Шоирнинг отаси 1924 йилда бўлса керак, оғир касал бўлади. Ўғлининг бир келиб-кетишини истаб, унинг исмига “Абдулҳамид” номи ҳосил бўладиган мувашшаҳ шеърий мактуб йўллайди:

*Адам саҳросини сайёҳи мен Мажнунга ҳампомен,  
Нигори Лайлининг куйидаги итларга ошномен.  
Бисотимда гарибликдин бўлак асбобу хонам йўқ,  
Келинг, чузг аҳли саҳрои дилим-ла сизга маъвомен.*

1929 йилнинг декабрида шоирнинг отаси оламдан ўтади. Не сабабдандир, шоир отасининг дафн маросимида кела олмайди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин Андижонга келиб, ота қабрини зиёрат қилади. Унга ушбу марсияни бағишлайди:

*Аламлар ўчоғи, ҳасратлар қучоғи,  
Эй, қани дунё қадар юрагинг.  
Валоҳуд устидан тушмаган,  
Куюнга учмаган тилагинг қолди.  
Изинг-да йўқолди.  
Сен юксак ерларга чиқасан,  
Юксаклар сен учун қўйинини очажак.  
Ўннга- сўлга малаклар чечаклар сочажак.  
Малаклар келишиб, баҳслар қилишиб,  
Кўкларга чақириб кетдилар.  
Сен кетдинг ва бизни тарк этдинг  
Руҳият манзилига етдинг (1,196).*

Айтиш мумкинки, Сулаймонқул баззоз оила аъзоларининг барчасида шеърый иқтидор бўлган. Фойиқа аянинг ҳам шеъриятга айрича меҳри бўлганки, баъзан-баъзан шеър ёзиб турган.

*Ассалом, эй янги меҳмон, хуш келибсиз, паҳлавон,  
Мен боролмай нома ёздим қутламоққа, жона-жон.  
...Қанча ёзсам шунча кўндур орзу ҳам истакларим,  
Ёзмоққа йўқтур илож, дардман онангман, нотавон.*

Сулаймон Мулла Муҳаммадюнус ўғлининг набираси бобоси ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Бобомиз Сулаймон Юнус ўғли (1874–1929) шеърятга қизиққан, “Расво” таҳаллуси билан шеърлар битиб, уни девон ҳолига келтирган эди. Андижонликлар уни “Мулла Сулаймонқул баззоз” деб аташарди. Унинг девонидан мистик шеърлар билан бирга ҳаёт гўзалликларини, инсоний соф муҳаббатни тараннум этувчи ғазаллар, ҳажвиётлар, ахлоқий масалаларга бағишланган маснавийлар ўрин олган бўлиб, бу девон ҳозирда онамнинг шахсий кутубхонасида сақланади унда Расвонинг Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Фузулий каби устодларнинг ғазалларига боғлаган мухаммаслари ҳам мавжуд. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тоғамизнинг сўз санъатига қизиқишида, шоир бўлиб шаклланишида оталарининг таъсири сезиларли бўлган. У 16 ёшидан ижод қила бошлаган” (1, 194).

Шоир Волаи Расво мумтоз адабиётимиз анъаналарини давом эттирди. У аруз вазнига панжа ортидан қаралаётган мураккаб даврда яшади ва ижод қилди. Ўз ижоди орқали шарқ шеърятини анъаналарига содиқлигини намоён қилди. Шоир ижодида анъанавий ишқий ғазаллар кўпчиликини ташкил қилади.

*Адойи ёр ўлиб умрим охири адо бўлдим,  
Қади зебо санам рухсорингга зору гадо бўлдим.  
Ютармен захру ҳажринг бода ўрнига кеча-кундуз,*

*Ҳалокат ичра қолдим “ол қулим” деб бенидо бўлдим.  
Авалда сен ишонтирдинг вафо қилмоққа, эй жоним,  
Сени бу вадаъи бофингга мен жони фидо бўлдим.  
Надур аййёрлик, маккорлик алдаб мени мундоқ,  
Хароб этдинг вафо қилмай, ҳама ҳасрат садо бўлдим,  
Хумор ўлдим висолинг бир кўриб бори дигар кўрмай,  
Илиндим риштаи меҳрингга тақдири Худо бўлдим.  
Ўзингга ошнолик кўчасин шому саҳар истаб,  
Кийиб эғнимга жанда ҳам қаландар бонидо бўлдим.  
На айларман сенинг ишқингда бўлдим волаи Расво,  
Бўлиб ҳар қилмишимдан мунфаил маҳфу жудо бўлдим.*

Ҳеч бир ижодкор йўқки, унинг шеърияти устоз шоирлар ижодига боғланмаган бўлсин. Волаи Расво ғазалиёти ҳам мумтоз адабиётимиз булоқларидан баҳра олган, инжа ва соҳир меросдир.

Волаи Расво ғазалиётининг мавзу кўлами кенг, образлар олами ранг-барангдир. Шоир ижодига хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, у аруз вазнида ижод этар экан, ўзи яшаб турган замондаги ижтимоий мавзуларни ҳам ўз эстетик принциплари даражасида талқин қилди. Волаи Расво ғазалиётида умуминсоний ғоялардан тортиб ҳақиқат ва гўзалликка ошуфта қалбнинг нозик кечинмаларигача, ёрнинг беназир ташқи тасвири-ю ошиқнинг ишқ йўлидаги турфа ҳолатлари бўй кўрсатади. Волаи Расво шеърларини куйидаги мавзулар гуруҳларига ажратиш мумкин: 1) лирик; 2) диний-тасаввуфий; 3) ахлоқий-таълимий; 4) ҳажвий-танқидий.

Ғазал жанрида ижод этишнинг ўзига хос масъулияти бор. Чунки асрлар силсиласида тадрижий равишда шаклланиб келаётган аруз вазнида устоз шоирлар анъанасини давом эттириш ва ўз даврининг масалаларини ҳам бадий талқин этиш шоирдан улкан истеъдод ва маҳоратни талаб қилади. Волаи Расво ижодида ушбу хусусиятларни яққол кузатиш мумкин.

Волаи Расво ғазалларида ҳаётий-фалсафий қарашлар ҳам чуқур акс этган. Шоир кўпроқ ҳаёт тажрибалари асосида ахлоқ-одоб мавзуларида ижод қилди. Унинг шеъриятида умуминсоний ғоялар кенг кўламда ўз ифодасини топади. Инсон умрининг моҳияти, халқ хизматиға фидойилик, эл розилигини олиш каби чуқур ижтимоий масалалар намоён бўлади.

Волаи Расво умри давомида халқ ичида бўлди, иштиёқ ва шижоат билан ижод қилди. Инсоний фазилатларни камолга етказиш ҳақида тўхталиб шоир куйидагича ёзган эди:

*Ҳавои нафсингни тарк этки Волаи Расвосан,  
Ўқи масоҳу сабоҳ мушкулингга ё фаттоҳ.*

Жадид шоир Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул баззоз (Волаи Расво)нинг оиласида ўзига хос адабий муҳит мавжуд бўлган, бу оила аъзоларининг барчасида шеърий иқтидор бўлган. Сулаймонқул баззознинг адабий мероси ҳам XX аср бошларидаги адабий муҳитнинг маълум бир узви деб ҳисоблаш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзахўжаев Ў. Онаминг ҳикояси. /Чўлпон. Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. 157-158 б.
2. Қосимов Б., Юсупов Ш. ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Дарслик. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 428 б.